

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ СУДИ
ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ
АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
АЖРИМИ

2023 йил август ойининг 4 куни, Тошкент вилоят суди жиноят ишлари бўйича апелляция инстанцияси судлов ҳайъати ўз биносида, очик суд мажлисида,

Раислик қилувчи судья: С.Умаров,

Ҳайъат судьялари: У.Очиллов ва У.Мамадалиевдан иборат таркибда, Ж.Каримовнинг котиблигида, тарафлардан Тошкент вилоят прокуратураси бўлим прокурори Ф.Умаров, маҳкума [REDACTED] ҳимоячиси адвокат З.Ҳакимованинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судининг 2023 йил 27 июндаги [REDACTED] оид иш юзасидан апелляция муддатини тиклашни рад қилиш тўғрисидаги ажрими устидан адвокат З.Ҳакимова томонидан берилган хусусий апелляция шикоятини иш ҳужжатлари билан бирга кўриб чиқиб, қўйдагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судининг 2023 йил 20 апрелдаги ажримига кўра:

1978 йил 25 май куни Фарғона вилоятида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, оилали, маълумоти ўрта-махсус, “ [REDACTED] ” да оператор бўлиб ишлаган, муқаддам бир неча маротаба судланган, [REDACTED] - уйда яшаган -

ўталмай қолган озодликдан маҳрум қилиш жазосини енгилроқ турдаги жазога алмаштириш ҳақидаги илтимосномаси рад қилинган.

Адвокат З.Ҳакимова 2023 йил 15 июнь куни жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судига ариза билан мурожаат қилиб, мазкур суднинг 2023 йил 20 апрелдаги ажримига нисбатан апелляция тартибида шикоят бериш муддатини тиклаб, апелляция шикоятини тегишли тартибда расмийлаштириб, судлов ҳайъатида кўриб чиқиш учун юборишни сўраган.

Жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судининг 2023 йил 27 июндаги ажрими билан адвокат З.Ҳакимованинг илтимосномасини қаноатлантириш рад этилган.

Адвокат З.Ҳакимова хусусий апелляция шикоятида, илтимоснома асосиз равишда рад қилинганлиги, маҳкума [REDACTED] ўз вақтида ажрим нухасини олмагани сабабли, шикоят бериш муддатини узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган деб ҳисоблаб, ажримни бекор қилиб, апелляция шикояти бериш муддатини тиклашни сўраган.



Судлов ҳайъати, вилоят суди судьяси С.Умаровнинг маърузасини тинглаб, прокурор Ф.Умаровнинг суд ажримини ўзгаришсиз, хусусий апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдириш ҳақидаги, адвокат З.Ҳакимованинг хусусий апелляция шикоятини қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, қуйидаги асосларга кўра, суд ажримини ўзгаришсиз, хусусий апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497¹¹-моддасида, иш бўйича биринчи инстанция судининг ажрими устидан у чиқарилган кундан эътиборан йигирма кунлик муддатда ушбу Кодекснинг 497²-моддасида назарда тутилган шахслар томонидан хусусий шикоят ёки хусусий протест берилиши мумкинлиги кўрсатилган бўлиб, бунда ажрим нусхасини маҳкумга топширилганлиги эътиборга олинмаган.

Шу билан бирга иш ҳужжатларида мавжуд маҳкума [REDACTED] томонидан ёзилган тилхатга кўра, у жинойт ишлари бўйича Зангиота туман судининг ажримини 2023 йил 30 апрель куни олган.

Бундан ташқари биринчи инстанция судида 42-сонли манзил колония ходими [REDACTED] ўз кўрсатувларида, биринчи инстанция ажрими маҳкума [REDACTED] тақдим қилингани ҳақида баён этган.

Бундай ҳолатда адвокат З.Ҳакимова томонидан келтирилган важларини асосли деб бўлмайти.

Биринчи инстанция суди ажримни эълон қилинганда маҳкума [REDACTED] шикоят бериш муддатини тушунтирганини инобатга олиб, адвокат З.Ҳакимованинг илтимосномасини рад қилиб, тўғри хулосага келган.

Шунга кўра, судлов ҳайъати, суд ажримини ўзгартириш ёки бекор қилишга асос йўқ деб ҳисоблайди.

Бинобарин апелляция инстанцияси судлов ҳайъати Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497¹¹, 497¹⁷-497¹⁸, 497²⁶, 497³¹-моддаларини раҳбарликка олиб,

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Жинойт ишлари бўйича Зангиота туман судининг 2023 йил 27 июнь куни [REDACTED] оид иш юзасидан чиқарган ажрими ўзгаришсиз, келтирилган хусусий апелляция шикоти қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи
Ҳайъат аъзолари:

имзо

имзо

имзо

С.Умаров

У.Очилов

У.Мамадалиев

Ажрим нусхаси аслига тўғри:

